

Учкун Назаров кўп киррали ижод сохиби. У хам адиб носир, кинодраматург, кинорежиссор 1934 йили Тошкент шахрида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгач, Тошкент театр ва рассомчилик олий билимгошишгаг режиссёрлик бўлимида тахсил олган.

Аввал Кўкон шахридаги Хамза драма театрининг бош рейссёри, хозирги кунгача эса «Ўзбек филм» киностудиясининг етакчи мутахассисларидан бўлиб фаолият кўрсатиб келади.

Унинг адиб сифатидаги ижодининг бошланпши 60-йилларга тўғри келади. У ўзининг дастлабки «Одамлар» (1961) хикояси билан кенг китобхонларга, устозларга танилган. Улкан адиб Абдулла Каххор ўша йилларда ёзувчи Ўлмас Умарбековнинг «Бобоёнгок» хикояси билан Учкун Назаровнинг мазкур «Одамлар» хикоясини ёшларнинг энг яхши асарлари каторига кўшган эди. Шундан буён адибнинг «Гурур» (1965, хикоялар), «Журъат» (1977, кисса ва хикоялар), «Садокат» (1965), «Листопад» (1976,) Москвада рус тилида нашр этилди. Шунингдек, адибнинг «Верност» (М., 1987, рус тилида) хикоя ва киссаларидан иборат насрий асарлари тўплами чоп этилди. Учкун Назаров ўзининг «Икром», «Одамлар», «Гурур» каби хикоялари билан кенг китобхонлар орасида муносиб обрў топди. Наср соҳасидаги унинг сўнгги ва энг йирик асари «Чаён йили» романи хам ўқувчига манзур бўлди.

Маълумки, Учкун Назаров бир канча сахна асарлари хам яратган бўлиб, улар орасида «Оина» (1987) драмаси шухрат топди ва Хамза номли драма театрида сахналаштирилди.

У кинорежиссёр, киностсценарист сифатида хам баракали ижод килиб келмокда. Айникса, унинг — «Сурайё», «Сиз ва йигит», «Шиддат», «Алангали сохил» ва уч бўлимдан иборат «Кўкон воқеаси» каби бадиий филмлари элга, томошабинга манзур бўлган. Ана шу сўнгги филми учун унга 1977 йилда Хамза номидаги Республика Давлат мукофоти берилган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» хамдир. Энг мухими, ижодкор кайси жанрда, қандай мавзуда асар ёзмасин, хамиша инсонийликни улуглашга, улар ўртасидаги меҳр-окибат ва садокатни эҳтиёт килишга, ўзаро бирбирига мурувватли, шафкатли бўлшнга чорлаб келди. Худди шу хол у яратган қахрамонларнинг маънавий-ахлокий бутунлигини таъминлади. (1934)

Учкун Назаров кўп киррали ижод сохиби. У хам адиб носир, кинодраматург, кинорежиссор 1934 йили Тошкент шахрида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгач, Тошкент театр ва рассомчилик олий билимгошишгаг режиссёрлик бўлимида тахсил олган.

Аввал Кўкон шахридаги Хамза драма театрининг бош рейссёри, хозирги кунгача эса «Ўзбек филм» киностудиясининг етакчи мутахассисларидан бўлиб фаолият кўрсатиб келади.

Унинг адиб сифатидаги ижодининг бошланпши 60-йилларга тўғри келади. У ўзининг

дастлабки «Одамлар» (1961) хикояси билан кенг китобхонларга, устозларга танилган. Улкан адиб Абдулла Каххор ўша йилларда ёзувчи Ўлмас Умарбековнинг «Бобоёнгок» хикояси билан Учкун Назаровнинг мазкур «Одамлар» хикоясини ёшларнинг энг яхши асарлари каторига кўшган эди. Шундан буён адибнинг «Гурур» (1965, хикоялар), «Журъат» (1977, кисса ва хикоялар), «Садокат» (1965), «Листопад» (1976,) Москвада рус тилида нашр этилди. Шунингдек, адибнинг «Верност» (М., 1987, рус тилида) хикоя ва киссаларидан иборат насрий асарлари тўплами чоп этилди. Учкун Назаров ўзининг «Иқрор», «Одамлар», «Гурур» каби хикоялари билан кенг китобхонлар орасида муносиб обрў топди. Наср соҳасидаги унинг сўнгги ва энг йирик асари «Чаён йили» романи ҳам ўқувчига манзур бўлди.

Маълумки, Учкун Назаров бир канча сахна асарлари ҳам яратган бўлиб, улар орасида «Оина» (1987) драмаси шухрат топди ва Хамза номли драма театрида сахналаштирилди.

У кинорежиссёр, киностсценарист сифатида ҳам баракали ижод қилиб келмоқда. Айниқса, унинг — «Сурайё», «Сиз ва йигит», «Шиддат», «Алангали сохил» ва уч бўлимдан иборат «Кўкон воқеаси» каби бадиий филмлари элга, томошабинга манзур бўлган. Ана шу сўнгги филми учун унга 1977 йилда Хамза номидаги Республика Давлат мукофоти берилган. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» хамдир. Энг муҳими, ижодкор қайси жанрда, қандай мавзуда асар ёзмасин, ҳамиша инсонийликни улуглашга, улар ўртасидаги меҳр-окибат ва садокатни эҳтиёт қилишга, ўзаро бирбирига мурувватли, шафқатли бўлшга чорлаб келди. Худди шу ҳол у яратган қахрамонларнинг маънавий-ахлоқий бутунлигини таъминлади.